

ТАҲЛИЛ, ТАЛҚИН ВА ТАФАККУР БИРЛИГИ



Мавлуда ПЎЛАТОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Аннотация

Бу мақолада талқин, таҳлил тушунчалари ва уларнинг ўзига хос хусусияти ёритилган. Бадиий асар таҳлилида ёзувчининг мақсади, мавзу ва ғояси, асар тили, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳоратига эътибор қаратилиб, сюжет элементлари ва композицион воситаларга ажратиб ўрганилган.

Аннотация

В статье раскрываются понятия и особенности анализа и интерпретации художественного текста. Исследуется тема, идея, язык художественного произведения, цель автора, его мастерство при использовании выразительных средств, особое внимание уделяется элементам сюжета и композиции.

Abstract

This article investigates the special peculiarities of analysis, interpretation and unity of meditation. In the analysis of fiction, the idea of the novel, the object of the author, its language, description of the events are taken into consideration and researched carefully.

Калит сўзлар: талқин, таҳлил, экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кульминация, ечим, портрет, деталь, ўхшатиш, сифатлаш.

Ключевые слова: интерпретация, анализ, экспозиция, сюжет, развитие событий, кульминация, решение, портрет, деталь, сравнение, описание.

Keywords: interpretation, analysis, exposition, the plot, progress of the events, culmination, solution, portrait, detail, comparison, description.

Адабиётшуносликда таҳлил, талқин тушунчалари унинг ўрганиш объекти ҳисобланган бадиий асарлар ва уларнинг мазмун моҳиятини тушунишимизда катта аҳамиятга эга. Шу сабабдан, таҳлил ва талқин тушунчаларини фаннинг асосий тушунчалари сифатида билиб, улар қайси мезонлар асосида иш кўради, таҳлил ва талқин бўлиши учун қандай талабларга жавоб бериши керак, деган саволлар атрофида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Бадиий асар пайдо бўлди, албатта, у ўз ўқувчисини топади. Шу пайтгача яратилган ва бугунги кунда яратилаётган бадиий асарларнинг ўқувчиси оддий китобхон ёки тажрибали адабиётшунос бўлсин, уларнинг назарида бу асарлар таҳлилдан ўтади, натижада бу асарга икки томонлама баҳо берилади. Албатта, бу ерда оддий китобхон ва адабиётшунос асар ҳақида билдирган фикрлар, яъни таҳлил бир-бирига ўхшамайди. Баъзан, шундай бўладики, оддий китобхон мукамал яратилган асарга етарлича баҳо беролмаслиги мумкин, шунда адабиётшунос ўз мезонлари асосида асарни тушунтириб бериши – талқин қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. ”Адабиётшунос бадиий асарнинг поэтик концепциясини, ижодкор идеалини теран тушуниб, уни энг самарали фалсафий-эстетик тамойиллар, илмий-назарий методлар асосида талқин қилса, ҳар доим бадиий ҳақиқат моҳиятга яқин келади”(1, 4). Яна бир жиҳатни ҳам эътиборга олиш лозимки, таҳлил ва талқин учун хилма-хиллик хос бўлиб, тугал хулоса чиқариш уларнинг моҳиятини чеклаб қўйиши мумкин. “Герменевтика – бу амалиётдир, – ёзади Г.Г. Гадамер, – ҳақиқатни ёлғиз бир одамгина англаб олиши ва бу ҳақда бошқаларга хабар бериши мумкин эмас. Бу герменевтиканинг фундаментал асосидир. Шундай экан, бошқача фикрлайдиган кишиларни ҳам тинглаш ва уларнинг айтганларини тушуниш керак – герменевтиканинг моҳиятига бу ҳам тегишли”(1, 6). Демак, битта асар ҳақида яратилган турлича таҳлил ва талқинлар ичида ёзувчининг бадиий ниятини тўғри англай олган, танланган мавзу, илгари сурилган ғоя ҳақида тўғри хулосага келган асосли фикрларгина яшовчанлик қудратига эга бўлади. Шу билан биргаликда таҳлил ва талқинлар жараёни инсон тафаккурининг ўсишига, фикр оламининг кенгайишига, инсон онг ости қатламида мудраб ётган фикрларнинг уйғонишига, охир-оқибат эса бутун жамоатчилик савиясининг ўсишига, уларда ҳам фикрлар, янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади. Албатта, бу кўзга кўринмас жараён, лекин инсон маънавий оламининг бойишида ўрни бекиёс.

Бадиий асар таҳлили – адабий асарни нечоғлик тушунганимиз, ёзувчи мақсади, у айтмоқчи бўлган фикр, асар тили, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, сюжет элементлари, композицион воситаларни қай даражада қўллай олганлиги – бир сўз билан айтганда ёзувчи томонидан яратилган адабий асарни талаб даражасида баҳолай олиш малакаси. Келинг, мисол тариқасида Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикоясини таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Муаллиф ҳикоянинг туғилиш жараёни ҳақида “Ижод илоҳиётга дахлдорликдир” номли мақолада қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: ”Менга “Одам ўз умрининг рассоми, ҳар ким қандай яшаса, шундай сурат чизади, кунларни умрни, умрнинг фаслларини чизади”

деган фикр келиб қолган. Кейин атрофимда қарашларнинг дувиллаб тўкилишини, таназзулга юз тутган ғоялар ва тушунчаларни кўрдим. Улар бирма-бир Қадимги Бобил кўрғонларига ўхшаб кўз олдимизда қулай бошлади. Ҳа, 80-йилларда биз буларнинг ҳаммасини кўрдик. Ўша қулаган қарашлар, ғоялар, интилишлар миллионлаб умрларни ўзи билан бирга олиб кетди. Шунда мен ўз умрини ўтаб бўлган зиёли одамнинг образи орқали ҳаётнинг ана шу силсиласини акс эттиришни истадим”.

Ҳикоя асар иштирокчиси ижарада турадиган йигит томонидан, яъни ҳикоячи тилидан баён қилинади. Асар собиқ Шўро тузуми даврида масъул лавозимда ишлаган, бутун ҳаётини шу тузум учун яшаган инсон ва унинг кеч бўлсада англаган ҳақиқати ҳақида. Ҳикоя бош қаҳрамони чол- рассом бўлганлиги сабабли унинг яшаган ҳаёти ҳақидаги маълумотлар чизган расмларида бевосита акс этиб боради. “1921” йил санаси қўйилган расмида қуюқ ўрмондан маймун етаклаб чиқаётган гавдали йигит тасвири берилган. ”Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан таранг тортилган эди”. Чол умрининг охирида чизган расмида эса “маймун умидсиз, кўзларига ғам чўккан, юз-кўзида ҳаётдан нишона қолмаган, мункайган бир чолни ўрмон сари етаклаб кетарди”. Ёзувчи рассом- чол расмларида бежизга бу тасвирларни танламади. Собиқ тузумга бўлган ишонч йигитга аллақандай куч-қудрат ато этган, вақт ўтиб эса ҳамма ишонч саробга айлангач, чолнинг тасвирида қора рангнинг, мавҳумликнинг ортиб бориши унинг ҳаётида ҳам, умуман, жамият ҳаётида ҳам қора кунларнинг бошланганлигидан дарак беради. Расмлар тагига ёзиб қўйилган “1957” “1947” “1937” “1928” “1926” йиллар санасида ҳам рамзий маъно бор. Масалан, 1937 йил ўзбек халқи бошига тушган қатағон жараёни қанчадан-қанча зиёли адибларимиз ҳаётига зомин бўлди. Иккинчи жаҳон уруши халқ бошига беҳисоб кулфатлар олиб келди, ундан кейинги шахсга сиғиниш даври не-не ўғлонларнинг бошига етмади. Кўриб турибмизки, халқнинг зиёли қатлами аёвсиз равишда таъқибга учраб келган. Бу жонсиз рақамлар ўз қаърида ўша машъум кунлар хотирасини сақлаб қолди. Ёзувчи давр ҳақида бизга сўзлаб бермайди, балки ишоралар бериб ўтади. Асар қаҳрамони чол ҳам мана шу қийин даврда масъул лавозимда ишлади. Охир-оқибат, у ишонган, эътиқод қўйган нарсаси “пуч, ёлғон ва пуфлаб шиширилган шардай омонат” бўлиб чиқди. Маймунни етаклаган, ўзига бўйсундирган йигит шу ҳайвоннинг, ҳайвондай тузумнинг қулига айланди. Буни англаб етганида, чол умрини яшаб бўлган эди. Машҳур мунаққид ва адабиётшунос олим О. Шарафиддиновнинг “Истеъдод ва эътиқод” китобига киритилган “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласида билдирилган фикрлар орқали бу даврда яшаган

инсонлар ва уларнинг тақдири партия аталмиш аёвсиз ва шафқатсиз ташкилот кўлида бўлганлиги, инсонпарвар ташкилотга ўхшаб кўринса-да, аслида инсоннинг бир чақалик ҳам кадри бўлмаганлиги – бу давр ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради. ”Ҳаёт йўлининг ярмидан кўпини ўтиб қўйгач, бирдан ўтган умри беҳуда кетганини англаб қолган, дунёни поклашдек олий ниятга хизмат қиляпман деб, ўйлаган, аслида эса бунинг ўрнига ўзи буткул қирланиб кетган 20 миллион инсон!”(2,157) – деб ёзади ўзи ва замондошлари ҳақида улуғ мунаққид. Бундан ҳам кўринадики, Собик Шўро тузуми даврида партияга аъзо бўлган 20 миллион кишининг тақдири, ҳаёти мана шундай кечди. Натижада, улар эътиқодсизлик қурбони бўлди. Шу кичик ҳикоя мазмунида романга мавзу бўлгулик тарихий воқеалар силсиласи жамланган. Ёзувчи маҳорат билан ҳикоя ичига шу мавзунинг сингдирган. Албатта, бу ерда инсон тақдири масаласи асосий ўринга қўйилган. Ўз асари қаҳрамони – чол ҳақида Н.Эшонқул ”Мутолаа эзгуликка бошлайди” мавзуси остида берилган журналист билан суҳбатида қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: ”Улар ўз ҳаётининг беҳуда ўтганини, умри давомида ишониб келган эътиқоди синганини, улар сиғинган маъбудлар қулаганини англаб қолган, ўзини ўзи таҳлил ва сўроқ қилаётган, бошқача айтганда ҳаётини бошқатдан бошлаш учун ўзидан куч излаётган одамлар. Бу ерда чолнинг нафрат билан яшаши муҳиммас. Муҳими чол ўз эътиқодининг пучлигини англагани ва бу туйғунинг ўқувчига ҳам юқтиролгани. Менга чолнинг ҳаётидан келиб чиқадиган сабоқ туфайли ўқувчида туғиладиган таассурот муҳим”(3,160).

Ҳикоя тили раван, ҳамма учун тушунарли, бадиий тасвирий воситаларга бой тил. Унда ўхшатиш, сифатлашлардан унумли фойдаланилган. Масалан, **“истараси ўзиникидан ҳам совуқ ёлғиз ўғли бор эди (сифатлаш),”**бу **суратлар** менга **умид кўшинлари ташлаб кетган умрнинг ташландик қароргоҳларига ўхшаб туюлди(ўхшатиш),**”чолнинг ҳаёти бир пайтлар бир кечада **пориллаб очилган гулдек тўсиқ билмас шиддат билан бошланганини,** сўнг бу шиддат ҳаётнинг мавҳум ирмоқларига **худди ёз ёмғири жазирама саҳрога сингани каби**”(ўхшатиш) шунга ўхшаш тасвирий воситаларини учратасиз. Булар ҳикоя тилининг жозибадорлигини оширган. Сюжет элементлари нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, асар бошида қисқа экспозиция берилган. Экспозиция орқали асар ҳикоячи йигит тилидан берилганлиги, бу воқеа йигит ҳикоя қиладиган пайтдан уч йил олдин бўлиб ўтганлиги, шу кўчадан чолга яқин бир уйни ижарага олиб кўчиб келганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Экспозиция бизга воқелик бўлиб ўтган жой, асар қаҳрамонлари ҳақида хабар беради, улар билан таништиради. Чолнинг ўзини тутиши, одамларга адоватли тикилишлари, кибр аралаш

димоғ-фироғ билан қарашни уни ҳар кўрганда, ҳикоячи йигитда ”юраги ғаш тортадиган, кўнгли беҳузур бўладиган, кайфияти бузиладиган” бир ҳолат пайдо қилганлиги ва чолнинг нима учун ўзини бунақа тутганлиги китобхонга **тугун** бошланганидан дарак беради. Йигитнинг уй бекасининг илтимоси билан чолга кечки овқат олиб чиқиши, чолнинг чизган расмларини томоша қилиши, дастлаб чизган расмларида ёрқин ва тиниқ ранглардан фойдаланганлиги, кейинчалик эса мавҳум ва қора ранглар тасвири ортиб борганлигига эътибор қаратиши, кейинги марта овқат олиб чиққанида, чолнинг у ўйлагандан кўра анча саводли эканлиги, ҳаётда нима яхшилигу, нима ёмонлик эканлигини фарқлаб бўлмаслиги ҳақида суҳбат куриши, мартабали дўсти ҳаётдан мисоллар келтириши – булар ҳаммаси **воқеалар ривожини** ташкил этади. **Кульминацион чўққи** чолнинг эътиқод ҳақидаги фикрларида мужассамлашган. Инсон ҳаётида эътиқод ричаг вазифасини бажаради. Эътиқод бизга ҳаётда ўз мақсадимиздан оғишмай ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам беради. Чолнинг бутун яшаган ҳаётдан олган хулосаси шуки, у эътиқод кўйиб ишонган нарса аслида шардай омонат бўлиб чиқди, эзгулик деб ўйлагани разолат бўлиб чиқди. “Бу сўз шунчалик сержило, жимжима, сохта, баландпарвозки, эшитсам кўнглим айнийди”, – деб таъриф беради чол. Чолнинг кечирган ҳаёти тузум ичида яшаган бутун инсониятнинг фожеаси эди. **Ечим** асар сўнгида чолнинг чизган энг сўнги расмида ўз аксини топган. Унда маймун етаклаб кетаётган чол тасвири берилган. Чол ўзининг ҳаёти ҳақидаги бутун фалсафани мана шу расмида акс эттириб кетган эди. Ҳикояни сюжет элементларига бўлиб ўрганиш асарнинг мазмун моҳиятини яна ҳам теран тушунишга ёрдам беради.

Шу ўринда яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, ёзувчи мавзу танлашда ҳам халқнинг кўп маъноли доно тилидан унумли фойдаланган. “Маймун етаклаган одам” мавзусини икки хил талқин қилишимиз мумкин. Биринчиси, маймунни етаклаб кетаётган одам, бу ўринда кўз олдимизга чолнинг ”1921” йил санаси кўйилган чизган расми кўз олдимизга келади. Чол унда ҳали анча навқирон эди. Иккинчиси, инсонни етаклаб кетаётган маймун, яъни инсон энди озод, мустақил эмас, у ҳайвонга тобе, шу билан бирга, энди умрини яшаб бўлган чол қиёфасида тасвирланган. Бу тасвирлардан ҳам кўринадики, ёзувчи асарда рамзлардан унумли фойдаланган. Ҳикояга ном кўйишда эса ёзувчи катта маҳорат кўрсатган.

Композицион воситалардан ҳикояда портрет, деталь тасвиридан унумли фойдаланган. Ҳикояда чолнинг портрети қуйидаги тасвирлар орқали берилган. ”Қовоқлари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджаҳл маъбудларнинг

хайкалига ўхшаб кетар”, “кўзлари ҳиссиз ва ифодасиз, эгнида эллигинчи йилларнинг андозасида тикилган анча салобатли кител, бақбақаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтирарди”. Деталь сифатида расмларни олишимиз мумкин. Расмлардан бу ерда шунчаки ижод намунаси сифатида эмас, ҳикоянинг мазмунини очиб беришда бир восита сифатида фойдаланган.

Энди ҳақли савол туғилади. Талқин бўлиши учун қандай мезонларга амал қилишимиз керак?

Ўйлашимизча, таҳлилдан талқин келиб чиқади, яъни таҳлил давомида орттирилган тажриба талқинга йўл очади. “Талқин – тушуниш ва тушунтириш жараёни”(1, 7). Шартли равишда тушуниш жараёнини таҳлил деб олсак, тушунтириш жараёни эса талқинга тўғри келади. Талқин таҳлилга нисбатан умумийроқ тушунча, лекин талқинни таҳлилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таҳлил давомида мавзу соддалашади, тушуниш осонлашади, талқин эса унга кўшимча равишда фалсафий мушоҳадаларни қўшиб тушунтиришга имкон яратади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида “талқин” сўзи шундай изоҳланади: бу арабча сўз бўлиб, “тушунтириш, насихат” маъносини билдиради. Шунингдек, бу сўз ўзига хос доира усули ва шу усул асосида яратилган куй, ашула ва мақом йўллари маъносида қўлланиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган, яъни талқин йўлидаги ашулалар, дастлаб, насихатомуз, ибратли мазмундаги шеърлар билан ижро этилганлиги учун шундай ном олган деб, айтиб ўтилган. Бундан кўринадики, талқин сўзи дастлаб мусиқа соҳасига хос термин сифатида кўпроқ муомалада ишлатилган. Кейинчалик эса санъатнинг сўз билан иш кўрадиган соҳасига ҳам татбиқ қилинган бўлса ажаб эмас. Чунки энциклопедиядаги учинчи маъноси – “бадий асарларнинг ижодкорона ёндашган ҳолда ижро этилиши”(4, 245) сифатида берилган. Нима бўлганда ҳам биз бугунги кунда талқин, талқинчилик каби сўзларни адабиёт оламида кўп қўллаймиз. Муддаомиз – бу сўзнинг адабиёт оламига қачон кириб келганлигини аниқлаш эмас, балки бу сўз санъатнинг қайси соҳасида қўлланилмасин, “тушунтириш, насихат бериш” каби маъноларини йўқотмаганлигига эътибор қаратишимиз зарур. Бу жараёни олимнинг худди катта тажриба устида иш олиб бориб, натижага эришгач, жамоатчилик олдида ўз кашфиётининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириб бериши ҳолатига қиёс қилсак ҳам бўлади. Фақат адабиётшунос бор, мавжуд воқеликни талқин қилиш асосида иш кўрса, бошқа соҳа мутахассиси эса кашфиёт яратиши тарзида буни намоён қилади. Бири ўрганиш жараёнида ўз объектнинг моҳиятини чуқурроқ кўрсатса, иккинчиси ўз

объекти устида янгилик яратиш мақсадини биринчи ўринга қўяди. Натижа эса битта, ҳар иккаласи ҳам ўзи англаган нарсани тушунтириб беради.

Юқорида Н. Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикоясини таҳлил қилдик. Бунақа таҳлилларни кўплаб учратишимиз мумкин. Ҳикоянинг турлича таҳлилидан сўнг келиб чиқадиган талқин учун ҳам хилма-хиллик хос.

Шундай қилиб, таҳлил, талқин тушунчаларининг инсон маънавий оламида, тафаккурининг ўсишида ўрни беқиёс. Таҳлилда ҳам, талқин жараёнида ҳам инсон мудом фикрлашдан тўхтамайди. Фикрлаш эса янгиланиш, яшариш дегани. Янгиланган инсон таҳлил, талқин ва тафаккур бирлигидан яралади, шунинг учун ҳам бу тушунчалар ажралмасдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент: Академнашр, 2014. – 288 б.
2. Шарафиддинов О. Истеъдод ва эътиқод.–Тошкент: Шарқ, 2000. –157 б.
3. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Тошкент: Академнашр, 2014. –160 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2000. – 245 б.